

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

33 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таъ- лим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарорига ўзгартириш ва қўшим- чалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ кадрларни сифатли ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 69-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 26 январь,
18-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 26 январдаги 18-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»
2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма даромадлари хайрия берувчилар маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари, шунингдек олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларининг 5 фоизи миқдоридagi ажратмалари ҳисобига шакллантирилади ҳамда янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратишга, ўқув бинolari ва талабалар яшаш жойларининг моддий ҳолатини яхшилашга, шу жумладан уларни жорий ва мукамал таъмирлашни амалга оширишга, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга, олий таълим муассасаларида ижтимоий, тарбиявий, психологик ва бошқа ўқув-услубий, илмий лойиҳалар ҳамда тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига кўра ўтказиладиган спорт-соғломлаштириш ва бошқа тадбирларга сарфланади».

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисидаги низомда (3-илова):

а) 8-бандга қуйидаги мазмундаги йигирма бешинчи ва йигирма олтинчи хатбоши қўшилсин:

«мутасаддилик қилинадиган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг илмий-техника дастурларини шакллантиради ва амалга оширади;

талабалар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиатларини аниқлайди»;

йигирма бешинчи — ўттиз иккинчи хатбоши тегишли равишда йигирма еттинчи — ўттиз тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 10-банднинг ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратиш, ўқув бинolari ва талабалар яшаш жойларининг моддий ҳолатини яхшилаш, шу жумладан уларни жорий ва мукамал таъмирлашни амалга ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим муассасаларида ижтимоий, тарбиявий, психологик ва бошқа ўқув-услубий, илмий лойиҳалар ва тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига кўра ўтказиладиган спорт-соғломлаштириш ва бошқа тадбирларни ўтказиш мақсадида хайрия берувчилар маблағлари, халқаро ташкилотлар-

нинг грантлари, шунингдек олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларининг 5 фоизи миқдордаги ажратмалари ҳисобига шакллантириладиган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш».